Нишонбой ҲУСАНОВ

# ЎЗБЕК АНТРОПОНИМЛАРИ ТАРИХИ

فاطمه

Муҳаммад Отабек Фотима

اتابیك

محمد

شاهرخ

Темур تیمور

Шохрух

امیر

Амир

Улуғбек الغ بيك

علی شیر

Алишер

Робия

بهرام

Баҳром رابیه

Рустам

رستم

Дилором دل آرام

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

НИШОНБОЙ ҲУСАНОВ

# ЎЗБЕК АНТРОПОНИМЛАРИ ТАРИХИ

«NAVRO'Z» нашриёти
Тошкент — 2014

УЎК:518.4.(620+4).3
КБК80.12(5Ўзб)4
Ҳ-84

**Тақризчилар:** филология фанлари доктори, профессор
Эрнст Азимович Бегматов;
филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла Арипович Дадабаев

**Масъул муҳаррир** филология фанлари доктори, профессор
Эргаш Агзамович Умаров

**Ҳ-84. Ҳусанов, Ишонбой**

Ўзбек антропонимлари тарихи. Монография/Н.А.Ҳусанов.—Т.: «Navro'z» нашриёти, 2014.—244 б.

**Антропонимлар** — кишиларнинг исмлари жуда қадимий даврларда пайдо бўлган. Антропонимларни тадқиқ этувчининг вазифаси шахс номларининг маъносини тиклаш ва ўрганишдир. Монографияда XV аср адабий ёдгорликларидаги антропонимлар — исмлар, тахаллуслар, лақаблар, унвонлар, нисбалар, кунялар тарихи, лексик маъноси ва номинатив-услубий хусусиятлари таҳлил қилинди.

**Антропонимы** — собственные имена людей, они появились в глубокой древности. Задача исследователя антропонимов восстановить и объяснить значение личных имен. В монографии исследована история, лексическое и номинативно-стилистическое значения, а также номинативно-стилистические особенности антропонимов — имена, псевдонимы, нисбы, куньи, прозвиша, титулы литературных памятников XV века.

**Antroponims** — people's proper names appeared in ancient times. The main goal of the researcher to reproduce and explain the meaning of proper names. The monograph considers the history, lexical and nominative-stylistic features of the meaning, nominative-stylistic features of antroponims-proper names, nicknames, pen names, titles of literary monuments of XV century.

Монография Тошкент молия институти Кенгашининг 2014 йил 14 апрелдаги йиғилишида (№10/3 баённома) муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган.

**УЎК:518. 4.(620+4).3**
**КБК80.12(5Ўзб)4**

**ISBN 978-9943-381-10-0**

© «Navro'z» нашриёти
© Н.А.Ҳусанов, 2014

**Отам — Абдусаттор Ҳусанбой ўғли ва онам — Турсуной Омонбой қизининг порлоқ хотираларига бағишлайман**

## СЎЗБОШИ

Антропонимия номшуносликнинг исмлар (антро — одам; онома — ном, яъни киши исми) билан шуғулланувчи махсус бўлими ҳисобланади. Антропонимлар халқнинг тарихи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирган лексик бирликлар ҳисоблангани учун уларнинг маъно, юзага келиш, ривожланиш, қўлланиш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга. Тарихий ёдгорликлардаги антропонимлар ўзбек номшунослигида энг кам ўрганилган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқотчилар назаридан четда қолмоқда.

Зеро «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур» (82-5).

XV аср - Навоий даври ўзбек халқининг маънавий ҳаётидаги энг муҳим давр ҳисобланади: «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир». (83-5) Юқоридагилардан келиб чиқиб монографияда халқимизнинг маънавий дунёқарашини ўзида акс эттирган муҳим сўзлар — XV аср адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг юзага келиши ва тараққиёти, маъно ва услубий хусусиятлари илк бор таҳлил қилинди. Тадқиқот ўзбек тилшунослигида мунозарали бўлиб турган кўпгина муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, антропоним атоқли от бўлгани учун кўпчилик хорижий ва ўзбек номшунослари унинг луғавий маъноси ва тушунчаси, этимологиясига эътибор қаратишмайди. Турдош от атоқли отга айлангач, унинг луғавий маъноси йўқолади деган фикр бунга асос бўлган. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»ни тузиш жараёнидаги кузатишлар шуни кўрсатдики, кўплаб антропонимлар матнларда ўзига хос маънони ифодалайди ва турли услубий вазифаларни бажаради. Улуғ шоир асарларида турдош сўз (апеллятив) маъноси ва атоқли от (антропоним) маъноси бир-бири билан узвий боғланган. Улар орасидаги муносабат қизиқарли ва мураккаб: бу давр ёдгорликлари араб ёзувида битилгани учун матнлардаги тур-

дош сўзлар ва атоқли отлар бир хилда берилганлиги сабабли маълум бир давр ёдгорликларидаги антропонимларнинг матн таҳлили орқали тадқиқ этиш масалага аниқлик киритиши мумкин. Антропонимлар қадимий даврлар маҳсули бўлгани учун уларнинг келиб чиқиши — этимологиясини аниқлаш ниҳоятда қийин ва мураккаб иш ҳисобланса-да, монографияда XV аср ёдгорликларида фаол ишлатилган антропонимларнинг лексик-семантик, этимологик хусусиятлари очиб берилди. Монографияда «антропоним» тушунчаси кенг маънода ишлатилди: исм, тахаллус, лақаб, куня, унвон, нисба.

XV асрда ижод этган Алишер Навоий, Аҳмадий, Гадойи, Атойи, Лутфий, Саккокий, Саид Аҳмад, Саид Қосимий, Хўжандий, Юсуф Амирий, Яқиний, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Ҳусайн Бойқаро каби ижодкорларининг асарларида учраган антропонимлар асосий манба вазифасини ўтади. Исмларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятларини чуқурроқ ёритиш мақсадида тарихий, маданий-маърифий, диний-фалсафий, илмий асарлардан ҳам ёрдамчи манба сифатида фойдаланилди.

XV аср адабий ёдгорликларидаги исмларнинг лексик-семантик хусусиятларини, номинатив ва услубий вазифаларни очиб бериш, аввало, ўзбек номшунослигида янги йўналиш — услубий номшуносликка асос бўлади, иккинчидан адабиётшунослик, этнография, тарих фанлари учун алоҳида илмий аҳамиятга эга, учинчидан, маънавий ва миллий мерос — исмларни чуқур ўрганишда ўзига хос манба вазифасини ўтайди.

Монографияда XV аср адабий ёдгорликларидаги антропонимлар илк бор тўпланилди, улар шаклланиш хусусиятларига кўра тасниф этилди, исмларнинг луғавий маънолари ва семантик хусусиятлари очиб берилди, баъзи антропонимлар юзасидан этимологик кузатишлар баён қилинди, исмларнинг номинатив ва лисоний хусусиятлари ёритилди, уларнинг ўзига хос бадиий хусусиятлари — ифодалилиги, эмоционал-экспрессивлиги ҳамда лисоний поэтик хусусияти — шеърий санъатларни ҳосил қилиши тадқиқ этилди, ижодкорларнинг исмларни қўллаш ва улардан бадиий услубий восита сифатида фойдаланиш маҳорати очиб берилди.

Монографияда антропонимларнинг маъно ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш орқали услубий ономастиканинг алоҳида илмий йўналиш эканлиги аниқ мисоллар ёрдамида ёритилди.



Ижодкорлар бадиий асарларда антропонимларни маълум мақсадларни назарда тутиб қўллаганлар. Бу антропонимлар исм, тахаллус, куня, лақаб, унвонлардан иборат бўлиб, асарларда турли услубий вазифаларни бажаради. Ҳар бир сўз, хусусан исм ҳам назмий асарларда турли маъноларда келиши мумкин. Бу фикрни ўша даврнинг — XV асрнинг буюк вакили Алишер Навоий ҳам таъкидлаб ўтганлар:

Ҳар киши қилмоқ истаса маълум,
Бири мансур эрур, бири манзум.
Насру назми ангаки мудраклур.
Назмининг пояси бийикраклур (СС. 35).

Дарҳақиқат, назмий асарлардаги исмлар насрий асарларга нисбатан кўпроқ маъноларда ишлатилади ҳамда ўзига хос услубий вазифаларни бажаради.

190. Гафур Гулом. Атоий эмас, Отойи//Ўзбекистон маданияти. — 1959. — 21 янв.
191. Ҳамидов З. Сўз санъати ва санъаткор маҳорати. — Тошкент: 1991. — б.
192. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1993. — 215 б.
193. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти — Тошкент: Фан, 1996. — 160 б.
194. Хасанов С. Роман о Бахраме. — Ташкент: Литература и искусство, 1988. — 205 с.
195. Ҳофиз Хоразмий. Девон. — Тошкент: Ўзб. КП МН нашр, 1981.К. I. — 303 б.
К. II. — 298 б.
196. Ҳусанов Н. Пайғамбарлар исмининг маънолари//Сирли олам. — 1994. — №4. — Б.19-20.
197. Ҳусанов Н. XI-XIV аср туркий ёдгорликларидаги қадимий яҳудийча ва арабча исмлар//Абадий мерос. — Тошкент, 1991. — №3, Б.54-58.
198. Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. Тошкент, Ёзувчи.
К.1. 1996. — 125 б.
К.2. 1997. — 134 б.
199. Ҳусайн Бойқаро. Девон. — Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. — 166 б.
200. ISLAM ANSIKLOPEDIS: I cilt,
ISTANBUL, 1950
2 cilt, 1949
3 cilt, 1949
4 cilt, 1945 5/1 cilt,1950 5/2 cilt, 1968
5 cilt, 1955
6 cilt, 1957
7 cilt, 1960
8 cilt, 1964
9 cilt, 1966
10 cilt, 1970
201. اسناد ومکاتیبات تاریخی ایران تهران ۱۳٤۱
202. ات قویماق کتابی
203. ابن درید ابو بکر محمد الاشتقاق القاهرة ۱۹۵۸
204. باشا، حسن الالقاب الاسلامیه فی التاریخ و الوثاق و الاشاره القاهرة ۱۹۵۷
205. شیخ سلیمان بخاری لغت چغتایی و ترکی عثمانی استانبول ۱۲۹۸
206. Fahd T. La Panteon de l' Arabic centrale a la veille l'Hegire.
207. Garoin de Tassy. Memoire sur les noms propres et les litres musulmans. Paris, 1854.
208. Quemeneur J.Patronymes et prenoms arabes. Paris,1952.
209.Abielle Pavet de Courtielle. Le dictionaire turk-orientale. Paris, 1870.



# МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ....................3
КИРИШ....................6

## I БОБ. XV АСР АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИДАГИ АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Диний исмлар....................22
Пайғамбарлар номлари....................23
Пайғамбарларнинг аждод-авлодлари....................36
Муҳаммаднинг аждод-авлодлари....................40
Халифалар ва авлиёлар....................45
Фаришта номлари....................50
Бадиий исмлар....................54
Анъанавий исмлар....................55
Тўқима исмлар....................59
Реал исмлар....................65
Ижодкор ва диний уламоларнинг исмлари....................66
Ҳукмдорлар исмлари....................70
Эрон шоҳларининг исмлари....................71
Темурийларнинг исмлари....................76
Мўғул ва турли ҳукмдорларнинг исмлари....................82
Тахаллуслар....................87
Нисбалар....................96
Кунялар....................97
Лақаблар....................102
Унвонлардан ясалган исмлар....................105

## II БОБ. АНТРОПОНИМЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Антропонимлар ва услубий маъно....................122
Антропонимлар ва бадиий санъаткорлар....................139
Рамзий тасвир усуллари....................141
Қиёсий-ўхшатиш усуллари....................151
Фикрни далиллаш усуллари....................176
Синтактик-стилистик усуллари....................180
Эмоционал-муболағали тасвир усуллари....................188
Сўзнинг ички ва ташқи шакли билан алоқадор усуллар....................191
Антонимларга асосланган усул....................206
Ҳарфий санъатлар....................210
Умумий хулосалар....................219
Иловалар....................222
Шартли қисқартмалар....................232
Фойдаланилган адабиётлар....................234